

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МАҲАЛЛАНИНГ РОЛИ.

USAT Фан ва технологиялар университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси
ф.ф.б.ф.д Жамолов Давронбек Бахтиёр ўғли
Бошланғич таълим 2 курс 203 гуруҳ
талабаси Мусаева Диёра Шерзод қизи

Ёшлар тарбияси кадимдан энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланган. Фаробий фикрича “Инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражада етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади”¹.

Буюк мутафаккир Абу али ибн Сино ўзининг “Ишорат ва Танбихот” асарида таъкидлашича, инсон ўз шахсий талаблари жиҳатидан бошқалардан ажралган ҳолда яшай олмайди, чунки у инсониятнинг бошқа вакиллари билан муносабатда бўлибгина уларни қондира олиши мумкин. Ўзаро боғлиқлик ва алмашинув жараёнида инсонлар бир-бирларини қандайдир муҳтожликдан холи этадилар. Бунинг учун инсонлар ўртасида ўзаро келишув зарур бўлиб, бу келишув туфайли адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилади. Қонуншунослар эса бу қоидаларга бажарилиши шарт бўлган мажбурият тусини беради.²

Ҳар қандай давлат ва жамиятда инсонлар жамоасининг асосини оила ташкил этади. Ўз навбатида оила жамиятнинг бошқа ижтимоий институтлари, хусусан, маҳалладан ажралган ҳолда фаолият кўрсата олмайди. Чунки маҳалла ўзбек фуқароларнинг ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган ўзига хос ижтимоий институтдир. Бунда ҳаёт тажрибаси катта, кўпни кўрган “Барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди”, - деб таъкидлаган эди Юртбошимиз

Маҳалла Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, уюшма ҳисобланади. Маҳалланинг хусусияти шундан иборатки, унда яшовчи ҳар бир оила, ҳар бир шахс шу аҳил жамоа кўз ўнгида шаклланади. Ҳар бир фуқаронинг ҳаёт тарзини, унинг нимага қодир ёки муҳтожлигини маҳалладан кўпроқ биладиган идоранинг ўзи йўқ. Маҳаллалар аҳолини аҳл-тотув яшашга, сидқидилдан меҳнат қилишга, касб ўрганишга, сермазмун ҳаёт кечирishга, соғлом фикрли бўлишга чақиради.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши билан маҳаллаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Бугунги ўзбек маҳаллалари жамиятни турли институтларини, айниқса оила билан ёшларни бир-бирига боғлаб турувчи мустаҳкам кўприкка айланиб бормоқда. Чунки ҳар ёш оила ва мактабда олган сабоқлари-ю, панду-насихатларининг қанчалик ҳаққоний эканлигини

¹ Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т. 1993й. 186-бет.

² Хайруллаев М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Т. Ўзбекистон. 1995. 68-бет.

маҳаллада ўз тенгқурлари билан бўлган амалий мулоқотларда қизгин мусоҳабаларда синаб кўради.

Ҳозирги кунда маҳалла давлат бошқарувининг биринчи бўғини сифатида аҳолининг, айниқса ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбия топишида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Маҳаллада болаларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари доимо кўни-кўшнилар назоратида бўлиши, бунда, айниқса, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган оила бошлиқларининг кўрсатмалари билан иш тутиш азалий анъанага айланган. Ёшларда миллий ғурур, ифтихор, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, улар орасида қонунбузарлик ва майда безориликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгилаш, миллий қадриятлар асосида иш юритиш барчанинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бунинг учун маҳалла кўмиталари, фуқоролар йиғинлари, хотин-қизлар кенгашларининг маънавий-маърифий ишлар соҳасидаги фаолияти янада такомиллаштирилмоқда. Ёшларни тарбиялашда “Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” концепциясини амалга ошириш учун маҳалла раҳбарияти, фуқоролар йиғинлари, хотин-қизлар кенгашлари, маҳалла фаоллари биргаликда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда, тарбияга оид масалалар ечимини топишда мактаб маъмуриятига яқиндан кўмаклашишни кучайтирди. Чунки мамлакатда таълим-тарбияни замонавий талаблар даражасида аниқ белгиланган мақсад сари йўналтириш орқали ёшлар билан боғлиқ долзарб муаммолар ечимини топишда кўзланган аниқ мақсадларга эришилмоқда.

Маҳаллаларда ҳуқуқий тарбияни кучайтириш учун тарбияси оғир, мактабдан таълим-тарбиядан ажралиб қолган ёшларни мактабга жалб этиш, кўр-кўрона пул топиш илинжида юрган болалар ва уларнинг ота-оналари билан жамоат жойларида, маҳаллаларда ҳуқуқ-тарғибот ташкилотлари вакиллари иштирокидаги суҳбатларни кўпроқ уюштириш мақсадга мувофиқдир. Шу боис оила, мактаб ва маҳалла алоқаларини янада мустаҳкамлаш зарур. Ёшларда миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш, улар онгида миллий ғурур ва ифтихор туйғусини такомиллаштиришни ҳозирги истиқлол даври тақозо этмоқда.

Таълим-тарбия ишларида миллий урф-одатларга эътиборни кучайтириш зарур, чунки ҳар бир ҳалқнинг ўзига хос миллий хусусиятлари, авваламбор, тарбия орқали амалга оширилади. Бу эса миллатимиз обрўси ва нуфузини янада оширади. Буларни ёшлар онгига сингдиришда, энг аввало, оила ҳамда ўзбек халқи маҳаллий бошқарувининг негизи-маҳалла муҳим рол ўйнайди. Мутахассислар фикрича, одамнинг қандай шахс бўлиб етишиши ўртача 40 фоиз муҳитга, 15 фоиз ирсиятга, ўртача 45 фоиз тарбияга боғлиқдир.¹

“Ўқувчиларнинг тарбиясида оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” концепциясини амалга оширишда маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда фаоллари биргаликда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда, тарбияга оид масалалар ечимини топишда мактаб маъмуриятига яқиндан

¹ Қашқадарё газетаси. 2008 йил 14 март

ёрдам бериш ишлари кучайтирилди. Сабаби, мамлакатда таълим-тарбияни замонавий талаблар даражасида аниқ белгиланган мақсад сари йўналтириш орқали ёшлар билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишда кўзланган аниқ мақсадларга эришиш мумкин.

Кўни-қўшничиликка мос ижтимоий муносабатлар, оилавий муаммолар ва миллий байрамлар, анъанавий сайиллар ва ҳашарлар каби жамоавий тадбирларда ёшларда биродарлик туйғулари таркиб топиб боради. Ёш авлодга бу тадбирларда асосан эзгуликка йўғрилган урф-одат ва анъаналар сингдирилади. Булар ёшларни меҳр-оқибатли ва ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялашда ўзига хос тарбия маскани вазифасини бажарган. Шу боисдан ҳам ҳалқимизнинг “Бир болага етти кўшни-ота-она” деган пурҳикмат нақли катта тарбиявий аҳамиятга моликдир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “...барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахт ва саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради”.

Ватанимиз тараққиёти бугунги ёшлар, уларнинг интилишлари билан билан чамбарчас боғлиқ. Шу боисдан ҳам ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, турли ҳалокатли таҳдидлар ва ёт диний экстремистик таъсирлардан, бузгунчи вайронкор ғоялардан, “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилиб, уларда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш мақсадида соғлом ва инсонпарвар миллий мафкура билан қуроллантириш ҳозирги даврнинг энг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Агар оила ва мактаб бола учун, ўсмир учун тарбия ўчоғи бўлса, маҳалла унинг учун бир умр тарбия маёғи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ҳатто тарбиячи бўлган ота-онанинг, ўқитувчининг ўзи ҳам маҳаллада шаклланади, ундан доимий равишда маънавий озуқа олади. Бир сўз билан айтганда, тарбиячини тарбиялайдиган жой ҳам маҳалладир. Ютбошимиз таъкидлаганидек, “Бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб инсоний фазилатлар айнан маҳалла муҳитида камол топади. Шу маънода, маҳаллани ўзини ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси деб аташ мумкин”¹

Ўзбекистон мустақилликга эришгач маҳаллаларнинг обрў-этиборини оширишга киришилди, улар қайта ташкил этилди, зиммасига мутлақо янги вазифалар юклатилди. Маҳаллалар фақат эски маҳаллалар ўринларида ташкил қилиниб қолмасдан, балки кўп қаватли биноларда яшовчи фуқороларни ҳам ўзига бирлаштириши айни муддао бўлди. Чунки бундай ташкилий тузилма кўп қаватли биноларда яшовчиларнинг ҳаётига маҳаллалардаги ижобий ютуқларни олиб кириш, хусусан, фуқароларни жамият ва давлат бошқаруви ишларига фаол иштирокини таъминлаш имконини беради. Маҳаллалар аҳолининг давлат ва жамият ишларида иштирокини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкуриси - ҳалқ этикоди ва буюк келажакка ишончдир.– Т., 2000.- 24-б.

қилишда иштирок этиш билангина чекланиб қолмайди, балки ҳар бир кишининг руҳий, маънавий оламини бойитиш, одамларда Ватанга муҳаббат, давлатга ҳурмат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳини тарбиялайди.

Мадомики, инсоннинг мустақил яшаш даражасига кўтарилишида ижтимоий муҳитининг аҳамияти беқиёс экан, демак бунинг учун барча маҳаллаларда қулай шарт-шароитлар яратилмоғи даркор. Аммо бундай шарт-шароитларни бирданига тегишли моддий ва маънавий заминсиз яратиб бўлмайди. Буюк тарихчи олим Хондамир таъкидлаганидек, “Ақлнинг тўғри йўл кўрсатилиши орқали яхши билан ёмонни, фойда билан зиённи, тўғри билан ҳатони фарқ қилинади”.¹ Кўриниб турибдики, Хондамир ақлий зукколик баркамол инсоннинг энг муҳим фазилати эканлигига эътиборини қаратган. Худди шунинг учун ҳам ёшларни ақлий зукко қилиб тарбиялашда маҳаллалар умумтаълим мактабларнинг энг яқин кўмакчиси бўлмоғи зарур.

Маҳалла улкан тарбия мактаби сифатида ёшларни баркамол шахс қилиб тарбияламоғи учун маҳалла идоралари ҳузурида ҳар бир йигит-қизни жамоатчилик фаолиятларини ҳисобга олиш механизмини яратиш даркор. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришга, шунингдек, жамиятнинг турли ижтимоий институтлари тарбиявий қудратини мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор бериши керак.

Хуллас, баркамол ёшларни тарбиялаш ва вояга етказишдек давлат аҳамиятига молик ва масъулиятли вазифани амалга оширишда, Юртбошимиз таъкидлаганидек: “Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди”.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Хондамир. Макорим-ул ахлоқ.- Т.,1943.- 23-б.
2. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси - ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.– Т., 2000.- 24-б.
3. Қашқадарё газетаси. 2008 йил 14 март
4. Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т. 1993й. 186-бет.
5. Хайруллаев М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Т. Ўзбекистон. 1995. 68-бет.

¹ Хондамир. Макорим-ул ахлоқ.- Т.,1943.- 23-б.